

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЗАЕВ РАХАТ МУРАТБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ЁШ ЎСПИРИНЛАР
ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАВСИФИ**

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рзаев Рахат Муратбаевич

Қорақалпоғистон шароитида ёш ўспиринлар жисмоний ривожланишининг
морфофункционал кўрсаткичлари тавсифи..... 3

Рзаев Рахат Муратбаевич

Характеристика морфофункциональных показателей физического развития
юношей в условиях Каракалпакстана 21

Rzaev Rakhat Muratbaevich

Description of morpho-functional indexes of physical development of youths in the
conditions of Karakalpakstan 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 40

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЗАЕВ РАХАТ МУРАТБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚИСТОН ШАРОИТИДА ЁШ ЎСПИРИНЛАР
ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАВСИФИ**

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/B121 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда «ZiyoNeb» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Курбанов Шанияз биология фанлари доктори, профессор Рахимова Ширин Олланазаровна биология фанлари фалсафа доктор
Етакчи ташкилот:	Бухора давлат университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети хузуридаги Илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.B.02.08 рақамли илмий кенгашининг 2022 йил «12 апрел» кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 104104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Биология факультети биноси, 2-кават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 104104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2022 йил «28» март кuni тарқатилди.
(2022 йил «28» март даги 25 рақамли реестр баённомаси).



З.Т.Ражамурадов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

М.С.Кузиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биолог фанлари бўйича (PhD) доктори, доц.

Х.Қ.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг дозарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш, уларнинг назарий асосларини ўрганиш физиологик, тиббий ва экологик фанлар соҳасидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Айниқса, турли хил минтақаларда ёш аҳоли қатламини жисмоний ривожланишининг ёмонлашиши ва саломатлик кўрсаткичларининг пасайишига олиб келмоқда. Шунга кўра, ҳарбий чақириқ ёшдаги ўспиринларнинг жисмоний ривожланиш морфофункционал кўрсаткичларининг хусусиятларини ўрганиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда сўнги йилларда ёш авлоднинг жисмоний ривожланиш ҳолатини ўрганиш ҳамда инсон организми ривожланишининг адаптацион имкониятлари ва атроф-муҳит билан ўзаро боғлиқлигини белгилайдиган морфологик, функционал кўрсаткичларни баҳолаш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, худудининг экологик шароитларига боғлиқ равишда ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг антропометрик ва функционал параметрларининг ёш динамикасини аниқлаш, экологик омилларининг инсон организмига салбий таъсирларини асослаш, ўспиринларда соматотипологик параметрларни белгилар ўзгарувчанлигининг пропорцион даражалари асосида таҳлил қилиш ва Қорақалпоғистон минтақасида ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар организмига ташқи муҳитнинг ноқулай экологик омиллари таъсирига мослашиши ҳамда жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича чора тадбирларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда одам организмининг жисмоний ривожланиши, морфофункционал ҳолати ва уни атроф-муҳитнинг зарарли омилларига мослашув механизмларини ўрганиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада жумладан, аҳолининг саломатлик даражасини яхшилаш, организмнинг индивидуал ривожланиш даврида ташқи муҳит омилларига мослашиш механизмларини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи фожеасининг салбий таъсирини юмшатиш» бўйича муҳим вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жумладан, республикамизнинг марказий худудларида ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг жисмоний ҳолатини аниқлаш, ўспиринларнинг антропометрик ва функционал параметрларининг ёш динамикасини аниқлаш ва мослашиши механизмларини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги “Оролбўйи минтақасини 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожлантириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси” ги Фармони.

давлат дастури тўғрисида” ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги 65-сон “Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олимлар томонидан ҳарбий чакириқ ёшидаги ўспиринларнинг морфофункционал ҳолатини ва соматотипини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларда дунёдаги етакчи бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, сўнгги ўн йилликда талаба ёшлар соғлигининг пасайиши (Ruby Y., Sherlin O., 2017; Nageswari K.S., Sharma R., 2007), функционал аномалиялар (Sato N., 2004; Sekhri M., Feder A. S., 2008; Van De Borne P., Montano N., 2001).

МДХ мамлакатларида Ляхович А.В., Ушаков И.Б., Айзман Р.И. ва бошқ. ёшларнинг морфологик ва функционал ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кўплаб илмий тадқиқотларга қарамадан, тана тузлишининг турли хил типлари учун уларнинг асосий параметрларини таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда кардиореспиратор тизим (Рапопорт, 2000; Артюхов И.П., 2006; Белов В.Б., 2007) механизмларининг ишини тавсифи етарли эмас. Яна шуни таъкидлаш керакки, турли хил иқлим ва географик ҳудудларда яшовчи одамларнинг сони бўйича соматотипларнинг тарқалишидаги сезиларли фарқларни кўрсатувчи маълумотларнинг фаол равишда тўпланиши (Соколов В.В., 2005; Вардазарян В.М., 2006) бизга ушбу муаммони адаптация ва инсон экологияси нуқтаи назаридан кўриб чиқишга йўллайди.

Мамлакатимизда Искандарова Г.Т., Камилова Р.Т., Мадреимов А.М., Утепбергенов А.К., Мираметова Н.П., Курбанов Ш.К., Махмудов С.С. ва бошқ. олимлар тамонидан Ўзбекистон шароитида, жумладан Жанубий Оролбуйи ҳудудида истиқомат қилувчи ёш авлодлардаги функционал ҳолати ва кардиореспиратор тизимининг адаптив хусусиятлар бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетида илмий –тадқиқот ишлар режасига мувофиқ ФА-Ф1-ГООО4 “Беқарор гидрорежим ва иқлим ўзгариши шароитларида Жанубий Оролбуйи табиий муҳити ва биотасининг

трансформацияси динамикасини комплекс тадқиқ қилиш” (2012-2016) фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади соматик типга боғлиқ равишда ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларда антропометрик ва морфофункционал параметрлар динамикасининг қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифлари:

Қорақалпоғистон Республикасида ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларнинг антропометрик, функционал параметрлари ва жисмоний ривожланиш даражасини аниқлаш;

ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларда соматотипологик параметрларни белгилар ўзгарувчанлигининг пропорцион даражалари асосида таҳлил қилиш;

яшаш ҳудудининг экологик шароитларига боғлиқ равишда ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларнинг кардиоинтервалография ва гемодинамик кўрсаткичларининг ёш динамикасини аниқлаш;

ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларида юрак қон-томир ва нафас олиш тизимларининг функционал ҳолатини кардиореспиратор тизими кўрсаткичлари асосида баҳолаш ва уларнинг соматотипологик хусусиятлар билан боғлиқлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи 19 ёшдан 21 ёшгача бўлган ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети Қорақалпоғистон Республикаси ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларнинг соматометрия кўрсаткичлари, ташқи нафас ва юрак қон-томир кўрсаткичларини баҳолаш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда антропометрия, спирометрия, Н.С.Коротков усули, кардиоинтервалография ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон республикаси шароитида яшовчи 19-21 ёшдаги ҳарбий чақирувдаги ўспиринларнинг антропометрик кўрсаткичлари аниқланган;

минтақанинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи ўспиринларнинг ёшга боғлиқ ҳолда ташқи нафас тизими кўрсаткичларининг фарқи исботланган;

ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларнинг кардиоинтервалография ва гемодинамик кўрсаткичлари экологик шароитларга боғлиқлиги аниқланган;

ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларнинг функционал хусусиятларига асосан жисмоний ривожланиш даражасига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларида яшовчи ўспиринларнинг жисмоний ривожланиши ва кардиореспиратор тизими ҳолатининг ҳудудий норматив стандартларини бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Соматотип ҳолатига қараб ҳарбий ёшдаги йигитларнинг морфофункционал кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва соматофизиологик текширувдан ўтказиш, чақирилувчининг ҳарбий хизматга муваффақиятли

мослашишини скрининг диагностикаси бўйича тадбирлар ва ҳудудий соғломлаштириш дастурларини ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган бирламчи материални йиғиш ва қайта ишлаш услублари адекват бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради. Олинган натижалар мавжуд далилларга зид эмас ва бошқа тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан таққосланган. Солиштирилган кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишонччилигини статистик таҳлил қилиш учун Excel дастури қўлланилди. Натижалар ишончилигини Т-Стъюдент коэффиценти ёрдамида аниқланди. Натижаларнинг ишончлилиги мутахассисларнинг баҳолари, тадқиқот фрагментларнинг республика ва халқаро конференцияларда муҳокама қилиниши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон шароитида ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар жисмоний ривожланишининг антропометрик кўрсаткичлари ҳамда юрак гемодинамик тизим фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилганлиги ва ёшга боғлиқ ҳолда ташқи нафас тизими кўрсаткичлари ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Қорақалпоғистон минтақасидаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг жисмоний ривожланишини тадқиқ қилиш жараёнида аниқланган соматотипалогик хусусиятларга таянган ҳолда ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг соғлигини сақлаш учун ишлаб чиқиладиган мақсадли тиббиёт профилактик дастурларига ва шунингдек, тадқиқот натижалари кенг доирада минтақавий соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон шароитида ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларда жисмоний ривожланишининг морфофункционал кўрсаткичлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилувчи ҳарбий ёшдаги йигитларнинг юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларидаги ўзгаришлар яшаш жойига, асосий жисмоний сифатларининг ривожланиш даражасини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 сентябрдаги 01/4170-сон маълумотномаси). Натижада аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича илмий асосланган дастурларини ишлаб чиқиш имконини берган;

антропометрик, функционал хусусиятлар ҳамда ҳарбий чақириқ ёшдаги ўспиринларда жисмоний ривожланиш даражаси, цинтил жадвалларида гуруҳланган ва объектив маълумотлар билан тасдиқланган амалий маълуматлар Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт Вазирлиги амалиётида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт Вазирлигининг 2019 йил 24 сентябрдаги 1326-сон маълумотномаси). Натижада жисмоний ривожланишнинг минтақавий нормативлари ва ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг

кардиореспиратор тизимининг функционал ҳолатини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқотнинг натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 1 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларинининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларда жисмоний ривожланиш даражасини тадқиқ қилишнинг долзарб муаммолари”** деб номланган бобида ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларда морфологик ва функционал кўрсаткичлар, шунингдек жисмоний ривожланиш муаммоларига тегишли бўлган кенг доирадаги илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Ушбу бобда онтогенетик жиҳатдаги ўспиринлик ёши инсоннинг биологик камолотга эришиш даври ва барча морфологик ва функционал кўрсаткичлар ўзларининг дефинитив ўлчамларига эришиб бориши кўрсатилган. Организмдаги физиологик ўзаро таъсирларнинг бошқарилиши минимал миқдордаги алоқалардан фойдаланишга ва ўзаро таъсир қилувчи тизимларни мувофиқлаштиришга ва соматик ва вегетатив назоратнинг марказий механизмларини такомиллаштирилишга асосланган (Ноздрачев, 1991). Шунинг учун, ушбу даврда саломатликни сақлаш даражаси мавжуд турмуш тарзидаги онтогенезнинг олдинги босқичларида амалга оширилган гигиена тадбирларининг бутун тизимининг самарадорлигини назорат қилиш учун хизмат қилиши ва ёш авлодни такомиллаштириш бўйича кейинги тадбирларни тартибга солиши, зарурий коррекциялар киритилиши мумкин.

Адабиётлар шарҳи шундан далолат берадики, Қорақалпоғистон Республикасининг экологик ноқулай шароитида яшайдиган ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларнинг физиоетрик параметрларини янада чуқурроқ ўрганиш талаб этилади, улар функционал барқарорлик даражасини белгилайди ва организмни онтогенезнинг барча босқичларида индивидуал ўзгарувчанлигини акс эттиради.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида жойнинг рельефи, тупроқ, ҳаво ва иқлим шароити, шунингдек Амударёнинг гидрологик режими ҳақидаги материаллар баён қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси атмосфера ҳавосининг сифат ва миқдорий таркибини шаклланишида табиий ва антропоген ифлосланиш манбалари муҳим рол ўйнайди.

Шундай қилиб, юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, Қорақалпоғистон Республикасининг иссиқ, кескин континентал иқлими билан боғлиқ бўлган ичимлик сувининг паст сифати аҳолининг турмуш шароитини ёмонлаштиради, сув омили билан боғлиқ касалликлар мажмуасини шакллантиради.

Диссертациянинг **“Одам организмнинг жисмоний ривожланиши ва морфофункционал ҳолатини тадқиқ қилишнинг усуллари, материал, ва ҳажми”** деб номланган иккинчи бобида мақсад ва олдга қўйилган вазибалардан келиб чиқадиган тадқиқотларнинг методлар, методик усуллари келтирилган. Тадқиқотлар биз томонимиздан 2016-2020 йилларда олиб борилган. Текширилувчиларнинг функционал хусусиятларини ўрганиш анъанавий усуллар комплекси ёрдамида амалга оширилди. Соматометрик ҳисоблаш усули тананинг умумий ҳажминини - ўсиш - вазн кўрсаткичларини, кўкрак қафаси айланасини аниқлаш билан амалга оширилди.

Нафас олиш тизимининг ҳолатини баҳолаш учун Erich Jeger (Германия) фирмасининг “Pneumoscreen-2” апараты ёрдамида пневмотахография ўтказилди. Ўпка тириклик сифминини индивидуаллашган баҳолаш учун физиологияда умум қабул қилинган метод тириклик индекси (ТИ) – ўпка тириклик сифминининг (мл ларда) тананинг умумий массасига (кг ларда) нисбатини ҳисоблаш амалга оширилди ([www. Antropometrya.ru](http://www.Antropometrya.ru)).


Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Microsoft Excel 2013 ва STATISTICA дастурий таъминоти ёрдамида вариацион статистика, корреляция таҳлил қилишнинг умумий қабул қилинган усулларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринлари антропометрик ва морфофункционал параметрларининг қиёсий тавсифи”** деб номланган учинчи бобида илмий тадқиқотнинг асосий натижалари келтирилган. Жисмоний ривожланиш деганда, текшириш вақтида инсоннинг жисмоний кўрсаткичлари ва биологик ҳолатини аниқлайдиган морфологик ва функционал кўрсаткичларнинг мажмуи тушунилади. Жисмоний ривожланиш генотипик потенциаллар фенотипик кўринишларга айлантирилганда постнатал онтогенезнинг маълум

босқичларида тананинг ўсиши ва ривожланиш жараёнларини акс эттиради. Биз Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларидаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг антропометрик ва морфофункционал параметрларини қиёсий характеристикасини амалга оширдик.


Олган маълумотларимиздан Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларда яшовчи ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларда ўрганилган морфофункционал кўрсаткичлар бўйича етарлича катта ёшга доир ўзгарувчанлиги билан тавсифланади деган хулосага келиш мумкин. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 19 ёшдан бошлаб Жанубий ҳудудларда ўрганилган ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар тана ўсиши ($176,27 \pm 6,8$ см) табиий равишда ёши билан ортиб боради. Шимолий ҳудудларда истиқомат қилувчи ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларни тана ўсиш кўрсаткичлари ($176,67 \pm 5,2$ см) даражаси Қорақалпоғистоннинг Жанубий ($173,8 \pm 4,8$) ва Марказий ($176 \pm 6,8$ см) ҳудудларидаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар тана ўсиши кўрсаткичларидан юқоридир. Барча ёшдаги ўспиринлар орасида энг паст ўсиш суръатлари Қорақалпоғистоннинг Жанубий ҳудудларида яшовчи ўспиринларида кузатилди (1-расм).

Шимолий ва Марказий ҳудудлардаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг тана ўсиши кўрсаткичларининг ёшга боғлиқ динамикаси Жанубий ҳудудлардаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларга қараганда юқори кўрсаткичга эга бўлди.



1-расм. Қорақалпоғистонда яшовчи ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларда уларнинг ёшига боғлиқ ҳолда тана ўсиши динамикасининг кўрсаткичлари



Барча текширилувчиларнинг тана массаси кўрсаткичларининг қиёсий характеристикаси шуни кўрсатдики, Қорақалпоғистоннинг шимолий, жанубий ва марказий ҳудудларидаги барча кўриб чиқилган ёш гуруҳларда вақт ўтиши билан оғирлик ишончли равишда сезиларли даражада ошган ($p < 0,001$) (2-расм).




2-расм. Қорақалпоғистонда яшовчи ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларда уларнинг ёшига боғлиқ ҳолда тана вазни динамикасининг кўрсаткичлари

Қорақалпоғистоннинг Шимолий ва Марказий ҳудудларидан келган ўспиринларда тана вазни кўрсаткичларининг ўсиши кузатилди. Шимолий ва Марказий ҳудудларидан (мос равишда $68,79 \pm 8,3$ см ва $68,88 \pm 11$ см) 20 ва 21 ёшли ўспиринларда бир ҳил даражада эканлиги аниқланди.

Жисмоний ривожланишнинг типологик хусусиятларини ва ўрганилаётган шахсларнинг функционал ҳолатини ўрганиш жараёнида Қорақалпоғистоннинг Шимолий, Жанубий ва Марказий ҳудудларида яшовчи барча ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларда турли ҳил тана тузилиши типларининг частотаси сезиларли даражада фарқланганлиги аниқланди ($p < 0,05$) (3 (А,Б,С) 3-расм).






С

3-расм. Қорақалпоғистон Республикасининг Шимолий (А), Жанубий (Б) ва Марказий (С) ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳарбий чақирик ёшидаги ёш ўспиринларнинг тана тузилиши кўрсаткичлари (Пинье индекси)


Пинье индекси бўйича тақсимотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, Шимолий ҳудудлардаги ҳарбий чақирик ёшидаги ёш ўспиринларнинг 38%, Жанубий ҳудудларнинг 60% ва Марказий ҳудудларнинг 47% ҳарбий чақирик ёшидаги ёш ўспиринлар яхши тана тузилишига эга. Ўртача тана тузилиши Шимолий ҳудудлардаги ёш ўспиринларда 22%, Жанубий туманларда - 15,5%, Марказий ҳудудларда - 13,5% кузатилди. Кучсиз ва жуда кучсиз тана тузилиши Шимолий ҳудудларнинг ўспиринлар орасида – мос равишда 35,0% ва 5,0%, Жанубий ҳудудлардаги ҳарбий чақирик ёшидаги ёш ўспиринларда кучсиз -23% ва жуда кучсиз – 1,5%, Марказий ҳудудларда эса кучсиз - 27% ва жуда кучсиз – 12,5% ташкил қилди. Шундай қилиб, Қорақалпоғистоннинг Жанубий ҳудудидида яшовчи ҳар хил ёшдаги (19, 20 ва 21 ёшли) ўспиринлар учун яхши тана турига тўғри келади (мос равишда 60%, 53% ва 63%).



4-расм. Қорақалпоғистон Республикасининг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларнинг КҚА кўрсаткичлари, см

Кўкрак атрофи тананинг умумий ҳажмининг параметрларидан бири ҳисобланади. Бу кўрсаткич кўкрак қафасининг ҳажми, кўкрак ва бел мушакларининг ривожланишини, шунингдек, кўкрак бушлиғи органларининг функционал ҳолатини тавсифлайди. Биз тадқиқот давомида ёши ва яшаш жойига қараб КҚА (кўкрак қафаси айланаси) тахлилини ўтказдик (4-расм).

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш жоизки, барча ёш гуруҳларида КҚА кўрсаткичлар Қорақалпоғистоннинг Шимолий ($p < 0,05$) ва Марказий ($p < 0,001$) ҳудудларига қараганда Жанубий ҳудудлардаги ҳарбий чақириқ ёшдаги ўспиринлар орасида анча юқори бўлган.



5-расм. Қорақалпоғистон Республикасининг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлардаги ўТС кўрсаткичлари (мл)

ўТС кўрсаткичлари барча ёш гуруҳларида Қорақалпоғистоннинг Шимолий ва Марказий ҳудудларидаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларга қараганда Жанубий ҳудудларидаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларда юқорилигини таъкидлаш мумкин, бу ерда Жанубий ҳудудлардаги 19 ёш гуруҳларида энг катта ва Шимолий ҳудудлардаги 19 ёшдаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларда энг кичик кўрсаткич аниқланди (5-расм). Бундан ташқари, ўТС (ўпканинг тириклик сифими ва тана вазнидан келиб чиққан ҳолда, барча текширилган ўспирин ёшлардаги ҳаётий индекси (ХИ) ёшга боғлиқ ҳолда ҳисоблаб чиқдик.

Қорақалпоғистон Республикасининг турли хил ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар ҳаётий индекси (ХИ) кўрсаткичларининг тахлили шуни кўрсатдики, Шимолий ҳудудларда (52%), Жанубий ҳудудларда (67,2%) ва Марказий ҳудудларда (53,3%) ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг ҳаётий индекс даражаси паст. Шунингдек, ХИ нинг ўртача кўрсаткичларида сезиларли фарқлар бор, Шимолий ҳудудлардаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар учун бу кўрсаткич 26,5% ни, Жанубий ҳудудлардаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар эса атиги 24,1% ни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикасининг истиқомат қилувчи ҳарбий
чақириқ ёшидаги ўспиринлар ҲИ (%)**

Ёши	Сони	Ҳаёт индекси (ҲИ) (%)								
		Ўртачадан паст			Ўртача			Ўртачадан юқори		
		Шимолий	Жанубий	Марказий	Шимолий	Жанубий	Марказий	Шимолий	Жанубий	Марказий
19	203	81,8	70,8	81,5	13,7	16,7	13,7	4,5	12,5	4,8
20	218	40,9	58,3	41,5	50,0	41,7	48,9	9,1	-	9,6
21	210	33,3	72,7	37,1	52,4	22,7	50,3	14,3	4,6	12,6

Шундай қилиб, 19 ёшдаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларда паст даражадаги ҲИ (70,8%) кўпроқ тарқалган, ўртача даражаси 16,7% ва ўртачадан юқори 12,5% ни ташкил қилади. Марказий ҳудудларда яшовчи 20-21 ёшдаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг ҲИ кўрсаткичи ўртача бўлган йигитлар кўпроқ эканлигини кўрсатди: 20 ёшда - 48,9%, 21 ёшда - 50,3% ни ташкил қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг турли хил ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар ҳаётининг индекси (ҲИ) кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатдики, Шимолий (62,5%) ва Жанубий ҳудудлардаги (48,7%) ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг ҳаётининг индекс даражаси паст. Марказий ҳудудлардаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг ҲИ кўрсаткичлари 11,0% ни ташкил қилади, Жанубий ҳудудларидаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар учун бу кўрсаткич эса бироз юқорирок - 27,7%.

Қорақалпоғистон Республикасининг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг ташқи нафас кўрсаткичларининг қиёсий баҳолаш шуни кўрсатдики, 19 ёшдаги Жанубий ҳудудларда яшовчи ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар ўпка ҳажмини юқори даражадаги индивидуаллашган ўпкаларнинг тириклик сифмига эга. Каттароқ ёшда (20-21 ёш) ушбу кўрсаткичнинг пасайишига қараб, ҲИ нинг қайта тақсимланиши кузатилади (2-3-жадваллар).

2 жадвал

Қорақалпоғистон Республикасининг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг ташқи нафас олиш кўрсаткичлари (19 ёш)

Кўрсаткичлар	Шимолий ҳудудлар (n=200)	Жанубий ҳудудлар (n=195)	Марказий ҳудудлар (n=236)
НЧ, р/ дақиқада	16,6 ± 0,02*	16,4 ± 0,04*	16,7 ± 0,03
ЎТС, мл	2966,6 ± 0,48*	3476,6 ± 0,73*	3205,8 ± 0,56
ЎМВ 1 дақиқада	78,8 ± 4,35*	101 ± 5,23*	83,8 ± 5,61

Изоҳ: (*) бошқа туманлар билан ишончли қиёсий фарқлар кўрсатилган

Қорақалпоғистон Республикасининг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларнинг ташқи нафас олиш кўрсаткичлари (20–21 ёш)

Кўрсаткичлар	Шимолий ҳудудлар (n=135)	Жанубий ҳудудлар (n=158)	Марказий ҳудудлар (n=135)
НЧ, р/ дақиқада	16,8 ± 0,53	15,6 ± 0,61*	16,8±0,03
ЎТС, мл	3312,6 ± 0,43	3304,4 ± 0,28*	3396,4±0,6*
ЎМВ 1 дақиқада	94,2 ± 3,24*	106 ± 5,62*	85,1±5,10

Изоҳ: () бошқа туманлар билан ишончли қиёсий фарқлар кўрсатилган*

Барча ўрганилаётган ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларнинг ёш гуруҳлари ўртасидаги ташқи нафас олиш кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш натижаларини сарҳисоб қилиб, шуни айтиш мумкинки, Шимолий ҳудудлардаги иккала ёш гуруҳидаги ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларнинг нафас олиш даражаси Жанубий ҳудудлардаги ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларга қараганда бир оз юқорироқ бўлган.

21 ёшли ўспиринлар гуруҳида ЎМВ нафас олишнинг резерв имкониятларини ошишидан гувоҳлик бериб ($P < 0,05$), у Жанубий ҳудудлардаги ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринлар учун шимолий ва марказий ҳудудидаги ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларга қараганда анча юқори бўлган. Маълумки, ЎМВнинг 120 л – муҳим нафас олиш чегараси бўлиб, ундан юқорида ташқи нафас олиш аппарати билан ишлашнинг энергетик қиймати айниқса сезиларли бўлади.

Шундай қилиб, ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларда ташқи нафас олиш ҳолати тўғрисида олинган маълумотлар, ёшлик даврида организмнинг ривожланиши учун (морфогенетик ва жинсий хусусиятлар) генетик дастурни амалга ошириш жараёни тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Онтогенетик жиҳатдаги ўспиринлик даври - бу инсоннинг биологик камолотга етишиши ва барча морфологик ва функционал кўрсаткичлар ўзларининг аниқ дефинитив, яъни охириги ўлчовларга эришиши даври ҳисобланади. Бу вақтга келиб физиологик тизимларнинг турли қисмларининг ўзаро таъсири ва органлар ва тизимларнинг ўзаро алоқаси ривожланиши характериладир.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, 20-21 ёш гуруҳидаги ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларнинг яшаш жойига қараб, САБ (систолик артериал босими) қийматлари бўйича энг юқори кўрсаткичлар Қорақалпоғистоннинг Шимолий ҳудудларида яшовчи ҳарбий чақирик ёшидаги ўспирин йигитларда аниқланган (122,14±13,1 дан 136,67±8,2 мм симоб устуни гача), шунингдек барча ёшда бўлган Жанубий ҳудудлардаги яшовчи ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларда ҳам худди шундай кўрсаткичлар аниқланган (121,67±10,3дан 126,05±14,8 мм симоб устуни

гача). Марказий ҳудудларда яшовчи ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларда эса $120,81 \pm 7,1$ дан $122,22 \pm 11,5$ мм симоб устуни гача бўлганлиги аниқланди

ДАБ натижаларини республиканинг турли ҳудудларидаги ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларда солиштиришда, 19 ёшдаги ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларда энг юқори кўрсаткичлар республиканинг ҳар уч минтақасида қайд этилганлиги ва $88,33 \pm 7,5$ дан $81,43 \pm 12,9$ мм симоб устуни гача оралиғида бўлганлиги аниқланди. Афтидан, бу ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг организмидаги адаптив реакцияларнинг юқори тиғизликда бўлиши билан изоҳланади. Энг паст кўрсаткичлар ($79,71 \pm 9,5$ мм симоб ус.) Қорақалпоғистон Республикасининг Марказий ҳудудларидан 19 ёшдаги бўлган ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринлар гуруҳида қайд этилди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ёш (20-21 ёш) гуруҳидаги ўспиринларнинг яшаш жойига қараб Қорақалпоғистоннинг Жанубий ва Марказий ҳудудларида яшовчи ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринлар учун САБ ва ДАБ нуқтаи назаридан энг юқори кўрсаткичлар аниқланди. САБ нинг ўрганилган шахсларда 120 мм симоб устуни ошадиган аниқланган кўрсаткичи, эҳтимол Қорақалпоғистон Республикасида экологик ва иқлим шароитига боғлиқ ҳолда, гипертоник шароитларнинг пайдо бўлиши учун хавф омили сифатида қаралиши мумкин.

Инсон организмнинг вегетатив асаб тизимининг функционал ҳолатини баҳолаш учун кардиоинтервалография усули қўлланилади. Маълумки, юрак синус тугуни танадаги барча тизимларининг ишлаш кўрсаткичидир. Шу билан бирга, кардиоинтервалограммасининг бундай ажралмас параметри дам олиш ҳолатидаги кучланиш индекси (КИ) бошланғич вегетатив тонус (БВТ) кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. БВТ ўзгариши функционал ҳолат ўзгаришига организмнинг таъсирини кўрсатади (4-жадвал).

4-жадвал

Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларида яшовчи ҳарбий чақирик ёшидаги ўспиринларда КИГ кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Шимолий ҳудуди (n=200)	Марказий ҳудуди (n=236)	Жанубий ҳудуди (n=195)
Мо, сек	$0,47 \pm 0,05^*$	$0,71 \pm 0,12^*$	$0,91 \pm 0,15$
АМо, %	$38,73 \pm 3,06^*$	$25,6 \pm 4,1^*$	$21,7 \pm 1,54$
ДХ, сек	$0,06 \pm 0,01^*$	$0,062 \pm 0,04^*$	$0,064 \pm 0,08$
КИ	$1271,13 \pm 74,1^*$	$536,8 \pm 65,1^*$	$1142,56 \pm 43,74$

Изоҳ: (*) сезиларли фарқлар қайд этилди ($p < 0,05$)

Тадқиқотлар натижасида барча текширилган йигитларда КИГнинг кўриб чиқилган параметрларининг ўзгариши, Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳудудий яшаш жойига қараб кузатилади.

**Қорақалпоғистон Республикасининг атроф мухит параметрлари
(ҚРССВРДСЭНМ) ва харбий чақирик ёшидаги ўспиринларнинг
кардиореспиратор кўрсаткичлари орасидаги корреляцион коэффицент
МОҲИЯТИ**

Атроф мухит параметрлари	Кардиореспиратор тизим кўрсаткичлари								
	Шимолий худуди			Жанубий худуди			Марказий худуди		
	ЎТС	САБ	ДАБ	ЎТС	САБ	ДАБ	ЎТС	САБ	ДАБ
Ичимлик сувининг қаттиқлиги 6,0 - 18,0 мг экв/л	0,16*	- 0,3**	0,28**	- 0,04*	-0,02*	- 0,29*	0,21*	0,25*	0,27*
Ичимлик сувининг минералланиши 750-1800 мг/л	-0,16*	- 0,38*	0,08*	0,07*	-0,05*	- 0,37*	0,27*	0,015*	0,29*
Ичимлик сувида нитратларнинг мавжудлиги 40-120 мг/л	0,004*	- 0,3**	0,28*	0,25*	0,29*	- 0,35*	0,39*	-0,09*	0,17**
Ичимлик сувида хлоридларнинг мавжудлиги 143 +10,6 мг/дм ³	0,14*	- 0,09*	0,09*	0,29*	0,03**	- 0,04*	0,08*	0,08*	0,39*
Ичимлик сувида сульфатларнинг мавжудлиги 700,0+36,2 мг/дм ³	0,29*	- 0,25*	0,26**	- 0,14*	0,09*	-0,3*	- 0,3**	0,22*	0,16*

Изоҳ – *p>0,05; ** p>0,001

Кардиоинтервалография усулидан ўспиринлар танасининг реактивлигини баҳолаш учун синусли юрак уриш тезлиги тузилиши маълумотларига кўра фойдаланиш ёш динамикаси ва ҳудудий дифференциациядаги баъзи мунтазам фарқларни қайд этишга имкон беради. Ушбу ўзгаришлар организмнинг симпатик-адренергик тизимлари фаоллиги ошганидан далолат беради. Шимолий ва Жанубий ҳудудларининг харбий чақирик ёшидаги ўспиринларида қайд этилган КИнинг юқори кўрсаткичи, тартибга солиш тизимларининг баъзи кескинликлари уларнинг таналарида намоён бўлишини кўрсатади.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи одамларнинг организмига доимий равишда таъсир этувчи омиллар организмни экологик стрессга олиб келади, уларнинг қаршилигини пасайтиради ва охир-оқибат ўспиринларнинг захира имкониятларини пасайтиради ва мослашувчанликни сусайишига олиб келади, одамларнинг касалликларга чидамлилигини пасайтиради. Атроф мухит параметрлари (ичимлик суви сифати) ва Қорақалпоғистонда яшовчи текширилувчи чақирик ёшидаги ўспиринларнинг

кардиореспиратор тизими кўрсаткичлари орасидаги ўтказилган корреляцион таҳлил натижалари 5-жадвалда кўрсатилган.

Қорақалпоғистон Республикаси минтақасида ичимлик сувининг сифати экология ва атроф муҳитнинг бузилишнинг энг муҳим муаммоларидан бири сифатида қаралади. Чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланиши, яъни ўсиш ва ривожланишини аниқловчи биологик ва физиологик жараёни, қон айланиш тизимининг функционал ҳолати нафақат атроф муҳит омиллари билан бевосита ва билвосита юқори даражада боғлиқ, балки ҳаётнинг ижтимоий - гигиеник шароити билан ҳам боғлиқдир.

“Қорақалпоғистон шароитида ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар жисмоний ривожланишининг морфофункционал кўрсаткичлари тавсифи” мавзусидаги фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистон Республикаси Шимолий ва Марказий ҳудудлардаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг ёшга боғлиқ тана ўсиш динамикаси Жанубий ҳудудлардаги йигитларга нисбатан юқори. Ўсишнинг ҳолати ва динамикаси бўйича олинган маълумотлардан Жанубий ҳудудларда 19-20 ёшдаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар орасида тана ўсишида умумий пасайиш мавжуд деган хулосага олиб келади ($p < 0,05$).

2. Таҳлилларнинг кўрсатишича Жанубий ҳудудлардаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларда тана вазнида энг юқори кўрсаткичлари кузатилди ($69,27 \pm 9,6$ см дан $71,58 \pm 12,5$ см гача). Қорақалпоғистоннинг Шимолий ва Марказий ҳудудларидан (мос равишда $68,79 \pm 8,3$ см ва $69,19 \pm 10,7$ см) 20 ва 21 ёшли ўспиринларда бир ҳил даражада эканлиги аниқланди.

3. Пинье индекси бўйича тақсимотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, Шимолий ҳудудлардаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспирин ёшларнинг 38%, Жанубий ҳудудларнинг 60% ва Марказий ҳудудларнинг 47% ҳарбий чақириқ ёшидаги ёш ўспиринлар яхши тана тузилишига эга. Ўртача тана тузилиши Шимолий ҳудудлардаги ёш ўспиринларда 22%, Жанубий туманларда - 15,5%, Марказий ҳудудларда - 13,5% ташкил қилди.

4. Қорақалпоғистон Республикасининг турли ҳил экологик атроф-муҳит шароитларига эга бўлган ҳудудларда истиқомат қилувчи ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспирин йигитларнинг нафас олиш тизимининг реакцияси адекват деб тан олиниши мумкинлиги аниқланди, чунки бу ЎМВ даражаси норматив маълумотлардан ошмади.

5. ЎТС кўрсаткичлари барча ёш гуруҳларида Қорақалпоғистоннинг Шимолий ва Марказий ҳудудларидаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспирин йигитларга қараганда Жанубий ҳудудларида юқорилигини таъкидлаш мумкин. Бу ерда Жанубий ҳудудлардаги 19 ёш гуруҳларида энг катта ва Шимолий ҳудудлардаги 19 ёшдаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларда энг кичик кўрсаткич аниқланди.

6. Қорақалпоғистон Республикасининг турли хил ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар ХИ кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатдики, Шимолий ҳудудларда (52%), Жанубий ҳудудларда (67,2%) ва Марказий ҳудудларда (53,3%) ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг ҳаётий индекс даражаси паст. Шунингдек, ХИ нинг ўртача кўрсаткичларида сезиларли фарқлар бор, Шимолий ҳудудлардаги ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринлар учун бу кўрсаткич 26,5% ни, Жанубий ҳудудлардаги ўспиринлар эса атиги 24,7% ни ташкил этилган.

7. Ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспиринларнинг яшаш жойига қараб Қорақалпоғистоннинг Жанубий ва Марказий ҳудудларида яшовчи шахслар учун САБ ва ДАБ нуқтаи назаридан энг юқори кўрсаткичлар аниқланди. САБ нинг ўрганилган шахсларда 120 мм симоб устуни ошадиган аниқланган кўрсаткичи, эҳтимол Қорақалпоғистон Республикасида экологик ва иқлим шароитига боғлиқ ҳолда, гипертоник шароитларнинг пайдо бўлиши учун хавф омили сифатида қаралиши мумкин.

8. Қорақалпоғистон шароитида яшовчи ҳарбий чақириқ ёшидаги ўспирин йигитларда КИГ таҳлил натижаларида ДХ пасайиши фониди КИнинг ўсиши кузатилмоқда. Бу турли хил ташқи омиллар, шу жумладан ҳудуднинг атроф-муҳит шароитлари тасирида юрак-қон томир тизими ишидаги стрессни кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РЗАЕВ РАХАТ МУРАТБАЕВИЧ

**ХАРАКТЕРИСТИКА МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ
ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ЮНОШЕЙ В УСЛОВИЯХ
КАРАКАЛПАКСТАНА**

03.00.08 – Физиология человека и животных

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.3.PhD/В121.

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Курбанов Шанияз
доктор биологических наук, профессор
Рахимова Ширин Олланазаровна
доктор философии биологических наук


Ведущая организация: Бухарский государственный университет


Защита диссертации состоится «12» апрель 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.В.02.08 при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Конференц-зал факультета Биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за № ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан: «28» март 2022 года.
(реестр протокола рассылки № «25» 28 март 2022 года)




З.Т.Рахамурадов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.б.н., профессор


М.С.Кузиев
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, PhD. доц.


Х.К.Хайдаров
Председатель Научного семинара
при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день укрепление здоровья населения всего мира, изучение их теоретических основ является актуальной проблемой в области физиологических, медицинских и экологических наук. В особенности, приводит к снижению показателей здоровья и физического развития молодого населения в различных регионах. Поэтому разработка мероприятий по изучению особенностей морфофункциональных показателей физического развития лиц юношей призывного возраста имеет важное значение.

Во многих странах мира проводятся широкомасштабные научные исследования по изучению физического развития молодого поколения, а также адаптационные возможности развития организма человека и оценка морфологических, функциональных показателей, определяющих их взаимосвязь с окружающей средой. В этом отношении, в частности, определение возрастной динамики антропометрических и функциональных параметров у юношей призывного возраста в связи с экологическими условиями региона, обосновать негативное влияние экологических факторов на организм человека, проанализировать соматотипологические параметры юношей на основе признаков изменения пропорционного уровня и адаптации юношей призывного возраста к неблагоприятным условиям окружающей среды, в частности в регионе Каракалпакстан, а также разработка мероприятий по оптимизации показателей физического развития уделяется большое внимание.

